


ТАСДИКЛАЙМАН
“Uzbekistan Airways” АЖ
Бошқарув раиси


Ш.Ш.Худайкулов

“ 11 ” 11 2025 йил

“Uzbekistan Airways” АЖ бошқаруви мажлисининг
50 -сонли БАЁННОМАСИ

“ 11 ” 11 2025 й.

Тошкент ш.

Раислик қилувчи:

Ш.Ш.Худайкулов Бошқарув раиси

Қатнашувчилар:

У.А.Хусанов Бошқарув раисининг ишлаб чиқариш бўйича
биринчи ўринбосари в.в.б

А.А.Саттаров Бошқарув раисининг молия, трансформация
ва хусусийлаштириш бўйича биринчи
ўринбосари в.в.б

Ш.Ш.Ядгаров Бошқарув раисининг тижорат ва туризм
бўйича ўринбосари в.в.б

Ш.И.Икрамов Бошқарув раисининг парвоз ишларини
ташkil этиш бўйича ўринбосари в.в.б

С.Р.Уралов Бошқарув раисининг режим ва авиация
хавфсизлиги бўйича ўринбосари

Иштирок этганлар: “Uzbekistan Airways” АЖ департамент,
бошқарма ва бўлим бошлиқлари

Мажлис ўтказиш жойи “Uzbekistan Airways” АЖ марказий аппарати
Тошкент ш., А.Темур шоҳ кўчаси, 41-уй,
конференциялар зали

“Uzbekistan Airways” АЖ бошқаруви тўғрисида”ги Низомнинг 4.2-бандига кўра, Бошқарув мажлисини ўтказиш учун кворум сайланган Бошқарув аъзолари умумий сонининг камида 50 фоизини ташkil қилиши белгиланган.

“Uzbekistan Airways” АЖ (кейинги ўринларда- Жамият) бошқарувининг мазкур йиғилишида кворум 100 фоизни ташkil этди.

КУН ТАРТИБИ:

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раҳбарлигида 2025 йил 10 ноябрда ўтказилган мажлисининг 216-сон баёни ижросини таъминлаш.

(Худайкулов, Хусанов, Саттаров, Ядгаров, Икромов, Уралов, Худайкулов)

“Uzbekistan Airways” АЖ (кейинги ўринларда – Жамият) Бошқарув раисининг молия, трансформация ва хусусийлаштириш бўйича биринчи ўринбосари в.в.б. А.Саттаров кун тартибидаги масала юзасидан сўзга чиқиб, мажлис иштирокчиларига қуйидагиларни маълум қилди. Жорий йил 11-12 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида Халқаро транспорт форумининг 4 юқори даражали минтақавий мулоқоти, “Uzbekistan Airports, Aviation & Logistics Forum” халқаро авиация форуми, Ўзбекистон ва Туркия давлатлари авиакомпаниялари форуми, Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар миллий авиакомпаниялар форуми, Туркий давлатларнинг Халқаро мултимодал транспорт ва логистика форуми, Марказий Осиё давлатлари ташкилоти транспорт вазирларининг йиғилиши, “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўли ва Ўрта коридор иштирокчи давлатлар транспорт вазирлари учрашуви, МДХ давлатлари мувофиқлаштирувчи транспорт кенгашининг навбатдаги мажлиси ташкил этилишини айтиб ўтди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раҳбарлигида 2025 йил 10 ноябрда ўтказилган мажлисининг 216-сон баёнига асосан транспорт ва логистика соҳаларидаги халқаро анжуманларни юқори савияда ташкил этиш учун Жамият томонидан пул маблағлари ажратилиши лозимлигини айтиб ўтди. Мазкур баёнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ-3953-сон қарори иловасининг 11-бандига асосан тегишли маблағлар ўтказилиши белгиланган.

Кун тартибидаги масала юзасидан Жамият бошқарув аъзолари ўртасида муҳокамалар бўлиб ўтди.

Бўлиб ўтган муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги масала юзасидан қуйидаги қарорлар қабул қилиш учун **овозга қўйилди:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раҳбарлигида 2025 йил 10 ноябрда ўтказилган мажлисининг 216-сон баёни ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ-3953-сон қарори иловасининг 11-бандига асосан тегишли маблағлар ўтказилишига розилик берилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Жамият бошқарув раисининг биринчи ўринбосари в.в.б. А.А.Саттаров зиммасига юклансин.

Кун тартибидаги масала юзасидан овоз бериш натижалари:

ёқлаб - 6-та овоз (Худайкулов, Хусанов, Саттаров, Ядгаров, Икромов Уралов), қарши – йўқ, бетараф – йўқ.

Кун тартибидаги ушбу масала юзасидан қарор қилинди:

1. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раҳбарлигида 2025 йил 10 ноябрда ўтказилган мажлисининг 216-сон баёни ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ-3953-сон қарори иловасининг 11-бандига асосан тегишли маблағлар ўтказилишига розилик берилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Жамият бошқарув раисининг биринчи ўринбосари в.в.б. А.А.Саттаров зиммасига юклансин.

Мажлис котиби:



Ш.Солиева

Бошқарув аъзолари:

У.А.Хусанов

Бошқарув раисининг ишлаб
чиқариш бўйича биринчи
ўринбосари в.в.б

А.А.Саттаров

Бошқарув раисининг молия,
трансформация ва
хусусийлаштириш бўйича
биринчи ўринбосари в.в.б

Ш.Ш.Ядгаров

Бошқарув раисининг тижорат ва
туризм бўйича ўринбосари в.в.б

Ш.И.Икрамов

Бошқарув раисининг парвоз
ишларини ташкил этиш бўйича
ўринбосари в.в.б

С.Р.Уралов

Бошқарув раисининг режим ва
авиация хавфсизлиги бўйича
ўринбосари